Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 3 октябрь, сешанба. №121 (21.884). Сотувда эркин нархда.

Шофиркон туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик маррани тезроқ эгаллаш учун ҳаракат қилишаётир. Бунда чевар теримчиларнинг ҳиссаси катта. Нодира Шукурова ана шундай илғорлардан бири. У мавсум давомида 10 тонна пахта териб беришга аҳд қилган. Нодиранинг ҳозиргача терган пахтаси 7 тоннадан ошди.

Суратда: илғор теримчи Нодира Шукурова.

К. КАРИМОВ олган сурат.

"ОҚ ОЛТИН" хирмонига

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 2 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
Андижон	1,26	95,75
Хоразм	1,34	85,04
Фарғона	1,49	78,60
Наманган	2,02	76,79
Бухоро	1,46	75,66
Навоий	3,00	67,13
Қорақалпоғистон Республикаси	1,45	59,90
Сурхондарё	1,56	59,31
Қашқадарё	2,58	57,11
Тошкент	3,07	54,11
Самарқанд	2,13	52,85
Сирдарё	2,55	44,10
Жиззах	2,80	42,51
Республика бўйича	**1,99**	**65,20**
1994 йилда	**2,60**	**49,95**

БУНКЕРЛАР БАРАКАСИ

Навоий вилояти пахтакорлари жорий йилда 120 минг тонна пахта етиштиришни режалаштиришган. Айни кунларда вилоят туманларида ҳосил йиғим-терими қизғин. Кунлик суръатда Қизилтепа, Навбаҳор тумани пахтакорлари илғорлик қилишмоқда. Ҳар икки туманда кунига йиллик режанинг 3,5-4 фоиз миқдорида хом ашё тайёрланмоқда.

Навбаҳорликлар вилоятда биринчилардан бўлиб терим техникаларини далаларга олиб чиқишганди. Бу ўринда «Гигант», Охунбобоев номли, Соатқул Жўраев номли, «Янгиқўрғон», Навоий номли жамоа хўжаликлари механизаторлари иши ибратли. Биргина «Янгиқўрғон» жамоа хўжалигининг ўзида бир кунда машиналар ёрдамида йиллик режанинг 5 фоизига тенг пахта терилди. Олим Рўзиев, Рашид Ҳамроев, Ориф Мақсудов каби дала даргаларининг ҳар бири кунига 15-20 тоннадан пахта теряпти. Бу механик-ҳайдовчилар мавсум давомида 200 тоннадан хирмон уйиш шахсий мажбуриятини олишган.

Бункерлар баракаси туфайли тумандаги «Гигант» жамоа хўжалигида ҳам кунлик суръат тобора ортмоқда. Навбаҳорликлар 5 октябрга қолмай йиллик режани уддалашмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

2 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мелкулангара Кумаран Бхадракумар, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан собитқадамлик билан бораётган республикамизда Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий, маънавий ислоҳотлар ва партиямизнинг уларда тутган ўрни, шунингдек, ХДПнинг Ҳиндистон Миллий Конгресси билан алоқалари ҳақида сўзлаб берди. У элчини ушбу юксак лавозимга тайинланганлиги билан табриклаб, унга масъулиятли вазифаларни бажаришда муваффақиятлар тилади.

Ҳиндистон элчиси самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш учун истак ҳам, барча имкониятлар ҳам борлигини таъкидлади.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан Ҳиндистон Миллий Конгресси ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабулда Марказий Кенгаш котиби И. Кочмарик ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятида

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ 1995 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА КЎМАКЛАШИШ ЮЗАСИДАН ТАШАББУСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Марказий Кенгаш Котибияти Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг пахта йиғим-теримида фаол иштирок этиб, ибратли ишлари орқали пахтакорларга кўмаклашаётганларини мамнуният билан қайд қилди. Иқтисодий ислоҳотлар туфайли очилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланаётган мамлакатимиз деҳқонлари, дейилади шу масала бўйича қабул қилинган қарорда, мустақилликнинг тўртинчи йилида мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Халқ хўжалигимизда ва ташқи иқтисодий алоқаларимизда алоҳида ўрин эгаллаган ушбу саноат хом ашёсини йиғиб-териб олиш ҳал қилувчи паллага кирди. Асака ва Избоскан туманлари, кўпгина хўжаликларнинг пахтакорлари биринчи бўлиб зафар қучдилар. Андижон, Хоразм вилоятлари, кўплаб туман, жамоа ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари маррага яқинлашмоқдалар. Республикамиз ҳукумати йиғим-теримни моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш чора-тадбирларини кўрди. Пахта териш машиналарини ишлатиш учун тегишли имкониятлар яратилди. Минг-минглаб шаҳарликлар пахтакорларга ёрдамга отландилар.

Ҳужжатда таъкидланишича, Ўзбекистоннинг катта пахта хирмони учун астойдил меҳнат қилаётганларнинг биринчи қаторларида партиямизнинг кўплаб аъзолари ҳам бор. Жамоа хўжаликларининг ХДПга мансуб аъзолари, фермерлар, механизаторларнинг аксарияти нафақат мўл ҳосил етиштиришда, балки уни йиғиштириб олишда ҳам ўрнак бўлмоқда. Қатор маҳаллий партия ташкилотлари йиғим-терим мавсумида пахтакорларга кўмак бериш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни уюштириш борасида талайгина ижобий тажриба орттирдилар. Жумладан, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши бу йилги йиғим-терим бошланмасдан, партиямизнинг вилоятдаги барча аъзолари, қишлоқ аҳлига мурожаат қилиб, уларни бор куч ҳамда имкониятларни пахтани тезроқ териб олишга сафарбар қилишга даъват этиш билан бирга, бу ишда энг яхши натижаларга эришганларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларини белгилади. Партиямиз Тошкент вилоят кенгашининг пахта йиғим-терими муносабати билан деҳқонлар, шаҳарликлар, ХДП аъзоларига мурожаати маҳаллий газеталарда ва махсус плакат шаклида эълон қилинди. Энг яхши теримчилар, механик-ҳайдовчилар, хўжалик ва туманлар ҳамда оталиқ ёрдамини кўрсатган шаҳарлар учун мукофотлар таъсис этилди. Жиззах, Сирдарё вилоят партия кенгашлари ҳам ўз мурожаатларида халқимизни пахтакорларга мадад беришга чорладилар. ХДПнинг кўпгина вилоят, шаҳар, туман кенгашлари маҳаллий ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тарғибий-ташвиқий ҳамда маданий хизмат кўрсатиш гуруҳларини тузиб, теримчилар, ёрдамчиларнинг кайфиятларини кўтармоқдалар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти партиямиз маҳаллий ташкилотларининг 1995 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга кўмаклашишга доир ташаббусларини маъқуллади. Пахтакорларимизнинг машаққатли меҳнати билан яратилган қимматли саноат хом ашёсини тезроқ йиғиштириб олишга умумхалқ ҳашарини уюштириш, далада меҳнат қилаётганларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга муносиб ҳисса қўшиш, дейилади қарорда, партиямиз барча кенгашлари, бошланғич ташкилотларининг муҳим вазифаси, мамлакатимизнинг катта пахта хирмонини уйишда бевосита иштирок этиш — ХДП аъзоларининг ватанпарварлик бурчидир.

Котибият йиғим-теримда орқада қолаётган вилоятлар, туманлар, хўжаликларда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ХДП ташкилотлари олдига теримчи, механик-ҳайдовчилар, ҳашарчилар меҳнатини яхши ташкил этиш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни уюштириш, оммавий-сиёсий ишларни мунтазам олиб бориш, мавжуд нуқсонларни бартараф қилишга кўмаклашиш, илғорларни рағбатлантиришни ҳамма жойда жорий қилишга эришиш вазифаларини қўйди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларига партиямиз маҳаллий ташкилотлари ва аъзоларининг пахта йиғим-теримидаги иштирокини ёритувчи, уларнинг тажрибасини оммалаштирувчи мақолалар, хабарлар, бадиалар, фотолавҳаларнинг мунтазам бериб борилишини таъминлаш тавсия этилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Қўнғироқ

БУҒДОЙ ЭКИШ КЕЧИКЯПТИ

Бу йил Қорақалпоғистон Республикасида 58 минг гектар майдонга кузги буғдой экиш режалаштирилган. Ҳозиргача салкам 13 минг гектар майдонга кузги буғдой экилди. Тахтакўпир, Қўнғирот, Тўрткўл, Амударё туманлари хўжаликларида шу кунгача 950-1500 гектарга буғдой экилган бир пайтда Бўзатов, Хўжайли, Кегейли, Элликқалъа туманлари хўжаликларида эса 150-500 гектардан буғдой экилди, холос.

Белгиланган график бўйича Қорақалпоғистонда кунига 2 минг гектар майдонга буғдой экилиши зарур. Амалда эса кунига экилаётган буғдой 880-900 гектардан ошмаяпти.

— Кузги буғдой экиш режаларини 20 октябргача тугаллаймиз, — деди Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги галла етиштириш бўлими мудири Г. Турсунбоев. — Буғдой экишнинг бориши шу кун талабларига мутлақо жавоб бермаяпти. Бироқ, биз қўлимиздан келган барча ишларни амалга оширмоқдамиз. Шунга қарамасдан ерларни экишга тайёрлаш, буғдой экиш суст бормоқда. Бунинг устига ҳайдов, чопиқ тракторларининг ишлаганидан кўра ремонтда туриши кўп бўляпти. Двигателлар, эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Ишдан чиққан техникаларни, эҳтиёт қисмларни қайта тиклаш каби ишлар эса юришмаяпти. Шунинг учун биринчи навбатда туман ҳокимлари, хўжалик раҳбарлари галлачиликка эътиборни кучайтирсалар бу иш ўлда-жўлда бўлиб қолмасди. Чунки ризқ-рўзимиз буғдой етиштиришни кўпайтириш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»мухбири.

Обуна — 96

«ГАЗЕТАНИ СОҒИНИБ ҚОЛДИК»

Қумқўрғон туманининг «Қумқўрғон» жамоа хўжалиги бўлим бошлиғи Эломон Жабборов гап орасида мендан «газеталар чиқяптими ўзи» дея сўраб қолди.

— Чиқяпти...

— Бизга келмаяпти-ку?

— Обуна бўлмагандирсиз, — дейман унинг саволига савол билан.

— Учта газетага ёзилган эдим. Ишчилар қўмитаси қўл қўйдириб олувди. Лекин...

Ҳа, шу «лекин» дегани бежиз эмас экан. Туман банки ҳисобида пул йўқ деган гапни рўкач қилиб, хўжаликнинг обунага оид ҳужжатларини қайтарган. Шу тарзда умумий рўйхат билан газетага ёзилмоқчи бўлганлар пировардида газета ололмайдиган бўлиб қолган экан.

Шу гапдан сўнг мен туман матбуот нашрларини тарқатиш идорасининг газета тақсимлаш бўлими руйхатини кўздан кечирдим. Айрим хўжаликларга, жумладан, «Қумқўрғон» жамоа хўжалигига бир дона ҳам газета жўнатилмайди. Йил давомида шундай манзара. Сабаби обуна йўқ. Бу, тўғриси, одамларнинг газета ўқишга, унга обуна бўлишга ҳафсаласи йўқ деган маънони билдирмайди. Тўғри, бировларда обуна палласи нақд пул бўлмай қолгандир ёки бошқалар матбуот тарқатиш идорасига ўтишга вақт тополмагандир. Шунинг учун ҳам кўплар ўз жамоаларида иш ҳақи ҳисобидан (Жабборов сингари) газетага ёзилганлар. Фақат ўғитга, эҳтиёт қисмга ёки бошқа харажатларга пул топиб берган банк газетага қолганда...

— Биз газетани соғиниб қолдик, — дейди С. Бойматов номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби М. Эрдонаев Жабборов нима демоқчи бўлганини лўнда ифодалаб. — «Ўзбекистон овози»ни излаб қоламиз. Қишлоқларда матбуот дўконлари, биласиз, йўқ. (Ҳеч бўлмаса қишлоқ бозорлари қошида шундай дўконларни очиб қўйсабўлади-ку) Телевизор газетанинг ўрнини босолмайди. Ҳукумат қарорлари, ҳужжатлар, янгиликлар...

Обунага тааллуқли бундай ҳолат, афсуски, бошқа жойларда ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, бир гал биз Қизириқ туманидаги «Кунчиқиш» деб аталадиган йирик пахтачилик хўжалигининг Ленин асарлари том-том қилиб тахлаб қўйилган марказий кутубхонасидан мустақил Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўли ҳақидаги рисолалардан биронтаси тугул, туман газетасидан бир нусхасини излаб ҳам тополмадик. Шўрчи туманининг «Ижтимоият», «Ялти» почта бўлимлари ҳам газета «ташвиши»дан мутлақо қутилганлар. Жарқўрғон туманидаги хўжалик раҳбарларидан бири бўлса, «Обунага мен миниб юрган хизмат машинамни алмаштиришим мумкин. Фақат молиявий жиҳатларини расмийлаштириб беришини банк пайсалга соладими деб ҳадиксирайман», — дейди.

Шу туман марказий банки бошлиғининг бу борадаги фикри-умидбахш. Обуна мавсумига ҳамкорлигимизни аямаймиз. Газеталар ўзимизга керак, ўзимизники, — дейди у.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. 1996 йил учун обуна мавсумида жамоатчи ташкилотлар, нашрларни етказиб берувчилар ўзларидан ўтган, ўтаётган камчиликларни тузатиш ҳаракатида бўлсалар борми, одамлар газеталарни ўз вақтида оладиган бўлардилар.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИҚҚАТ, ОБУНА БОШЛАНДИ!

Шу йилнинг 1 октябридан республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида газета ва журналлар учун 1996 йилга обуна бошланди.

Қадрли муштарийлар!

Биласиз, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси доимо Сизнинг севимли ҳамроҳингиз, маслаҳатдош дўстингиз бўлиб келган. Шундай экан, келинг маънавиятга, маърифатга муштоқлигингизни яна бир карра исботланг.

Сиз «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га обуна бўлсангиз, йил давомида мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеа-хабарлар билан танишиб борасиз, бутун жаҳон янгиликларидан воқиф бўласиз.

Тўғри, газета ва журналлар жуда кўп. Лекин танлаш имконияти ўз қўлингизда. Биз фақат шуни эслатмоқчимизки, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» Сизнинг кўп йиллик қадрдон, синалган дўстингиз. Шу боис, уни мунтазам ўқиш ниятида бўлсангиз, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га ОБУНА БЎЛИНГ!

Фуқаролар учун:
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга —543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Ф СП - 1

Алоқа вазирлиги "Матбуот уюшмаси"

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" 64583
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

		64583
п. в.	жойи	(нашр кўрсаткичи)

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи)

обуна янги манзилга юборишга	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ПАРИЖДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ КЎРГАЗМА

Яқинда Париждаги «Флак» галереясида ўзбекистонлик рассом Доимахоннинг суратлар кўргазмаси очилди. Кўргазма «Шоирлар боғи» деб аталади.

Бундан икки йил муқаддам Парижда бўлиб ўтган биринчи кўргазмадан кейин рассом асарлари Олмония, Бельгия, Гонконг ва бошқа бир қанча хорижий мамлакатларда муваффақият билан намойиш этилди. Мутахассислар, санъат шайдолари Доиманинг ноёб талантини юқори баҳолашмоқда.

Кўргазмада рассомнинг 20 дан ортиқ асари намойиш этилмоқда. «Наманганлик толиблар», «Акаука», «Фарғоналик шоирлар», «Тошкент қиши», «Умр дарахти», «Самарқанд» ва қушларга бағишланган туркум асарлар мамлакатимиз манзаралари, ўзбек халқининг бой ички дунёси, маданияти ва табиатини нафис рангларда намоён қилади.

Кўргазма бир ой давом этади.

ҲАРБИЙ САНОАТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Россия Федерацияси ва Корея Республикаси биргаликда ниёда қўшинлар жанговар машиналарининг янги авлодини яратишни йўлга қўйди. «Росвооружения» давлат компанияси вакили А. Кудряшов журналистлар билан суҳбатда шундай деди. У янги техника БМП-3 жанговар машинаси асосида яратилишини таъкидлади. Зеро, мазкур ҳарбий машина тактик-техник ўзига хосликлари жиҳатидан хорижда ишлаб чиқарилаётган ана шундай машиналардан афзалдир, деди у журналистларга.

МАБЛАҒ ЙЎҚЛИГИ УЧУН ТЎХТАБ ҚОЛДИ

Ростов-Дон шаҳридаги «Ростсельмаш» комбайн заводини собиқ Иттифоқда билмаган киши бўлмаса керак. Машҳур «Дон» ва «Нива» комбайнлари нафақат Россия, балки, ўзбекистонлик галлакорларга ҳам яхши таниш. Россияда ҳукм сураётган иқтисодий қийинчилик ушбу корхонани ҳам четлаб ўтмади. Корхона электр энергияга ва бошқа харажатларга маблағ топа олмагани учун бир ойга тўхтаб қолди.

ҚЎПОРУВЧИЛИК ҲАРАКАТИГА ҚАРШИ ТАДБИР

Франция ҳукумати Париждаги Эйфел минораси ва мактабларни қўриқлаш учун полициячиларни кўпайтиришга қарор қилди. Мазкур тадбир шаҳарда уюштирилаётган қўпорувчилик ҳаракатларига қарши қўлланилмоқда. Қўпорувчилар сўнгги бир ярим ой ичида мамлакатда олти марта бомба портлатдилар.

ЭНГ МАШҲУР СПОРТЧИ

Асримизнинг энг машҳур немис спортчиси ким бўлиши мумкин?

Кёлн шаҳридаги «Штадт-Анцайгер» газетаси ана шу саволга жавоб топиш мақсадида суров уюштирди. Спорт ишқибозларининг 84 фоизи машҳур теннисчи аёл Штеффи Графни Германиянинг кейинги юз йиллиқдаги энг машҳур спортчиси, деб атади. Суралганларнинг 72 фоизи собиқ футболчи Франц Беккенбауэрга овоз берди. Теннисчи Борис Беккер эса бу борада учинчи ўринни, асримизнинг 30-йилларидаги жаҳон чемпиони боксчи Макс Шмеллинг тўртинчи ўринни эгаллади.

«Формула-1» автопойгаси бўйича жаҳон чемпиони Михаэл Шумахер ушбу руйхатда олтинчи ўрин билан кифояланди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Колумбиянинг Богота шаҳрида велоспорт бўйича жаҳон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда иштирок этган россиялик велоспортчи аёл Светлана Самохвалова олтин нишон соҳибаси бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса италиялик Н. Кристофоли, франциялик Н. Лансьен-Эванларга насиб қилди.

ОЛТИН НИШОН ЭГАЛАРИ

Швейцариянинг Сэн-Галлен шаҳрида от спорти бўйича ўтказилган Европа биринчилигида янги чемпион аниқланди. У ирландиялик Питер Чарльздир. Сунгги босқичда олтин нишон учун уч нафар чавандоз — Питер Чарльз, швейцариялик Лесли Макнот-Мэндли, буюк британиялик Элисон Брэдли узаро куч синашди ва омад ирландиялик чавандозга кулиб боқди.

Команда ҳисобида эса швейцарияликлар биринчи ўринни эгалладилар.

ОЙНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ФУТБОЛЧИСИ

Осиё футбол федерацияси Шанхайнинг «Шэньхуа» футбол командаси сардори Фань Чжини сентябрь ойининг энг кучли футболчиси деб эълон қилди.

У мамлакат биринчилиги ўйинларидаги 14 учрашувда рақиблар дарвозасига 11 та тўп киритишга муваффақ бўлди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ўзбекистон ва жаҳон

ОДДИЙ ВА БЕТАКРОР АМЕРИКА

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Олий Мажлис биринчи сессиясида, мустақил мамлакатимиз янги парламенти фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича унинг олдида турган вазифалар хусусида гапириб, жумладан, етакчи давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорлик қилиш, қонунчилик борасида жаҳонда тўпланган бой тажрибани ўрганиш ва ўзлаштиришнинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир гуруҳ депутатлари учун яқинда мана шундай имконият туғилди. Халқаро делегациялар айирбошлаш ва тадқиқотлар ташкилоти — АЙРЕКСнинг таклифига биноан ушбу сатрлар муаллифига, мазкур гуруҳ таркибида, АҚШда қарийб уч ҳафталик давр мобайнидаги сафарда бўлишга тўғри келди. Ундан кўзланган мақсад — АҚШ давлат ҳокимияти қонунчилик идоралари фаолияти билан танишиш. Семинарлар, мунозаралар, ахборий сессиялар («АҚШ конгресси ишининг назарияси ва амалиёти», «АҚШда ҳокимиятнинг бўлиниши ҳамда ҳокимият қонунчилик ва ижроия тармоқларининг ўзаро муносабатлари», «Сенат ишининг қоида ва муолажалари», «Штат ҳукуматининг атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича сиёсати», «Маҳаллий ҳукуматнинг иши ва уни молиявий таъминлаш» ҳамда бошқа мавзуларда) шаклидаги тадбирлар, АҚШ Конгресси аъзолари — сенаторлар, конгрессменлар, департаментлар раҳбарлари, қонун чиқарувчи идоралар қўмиталари аъзолари, шаҳарларни бошқарувчи расмий шахслар билан учрашувлар, федераль, штатлар ҳамда маҳаллий даражалардаги қонунчилик, суд, ўз-ўзини бошқариш ҳокимиятлари тизимлари, сиёсий жараёнлар, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди фаолиятлари ва ҳоказолар билан танишиш (умумий сони 30 га яқин) сафар дастуридан жой олган. Биз АҚШ Сенати котибияти, Конгрессининг тадқиқот, ҳуқуқий, иқтисодий хизматлари фаолияти ҳақида бевосита аниқ маълумотлар олдик. Гуруҳ, шунингдек, АҚШ Конгрессининг Сенати, Вакиллар палатаси, Даллас шаҳри кенгаш-менежери мажлисларини бевосита кузатиш имкониятига эга бўлди. Дастур жуғрофияси Вашингтон, Мэриланд ва Техас штатлари ҳудудларини қамраб олди. Қатор қизиқарли маданий тадбирлар ҳам сафар дастури доирасида амалга оширилди.

Мезбонлар бизга ўз фаолиятларига оид кўплаб ҳужжатлар, услубий манбаларни туҳфа этдилар. Қисқа қилиб айтганда, биз сафар муддати давомида, жаҳоннинг энг маълум, машҳур, қудратли давлатларидан бирининг ижтимоий, сиёсий, маънавий қиёфаси, унинг халқининг ҳаёт тарзи тўғрисида муайян умумий ижобий тасаввур ҳосил қилдик.

Маълумки, мустақиллик йилларида, биз, онгимизни шўролар мустабид тузуми даврида чулғаб олган, АҚШ хусусидаги кўпроқ бир томонлама, нохолисона қарашлар, сийқаси чиққан уйдирмалардан аста-секин халос бўлмоқдамиз. Ўз даврида Совет-Америка муносабатларида, балким, муайян жиддий асосга эга ўзаро ўринли танбеҳлар, ихтилофлар мавжуд бўлгандир. Бироқ, ушбу муносабатлар тадрижий ривожи, пировард натижа, охир-оқибат, қоларверса, бизнинг мазкур ташриф давомида кўрган-кечирганларимиз шундан далолат беради, собиқ Иттифоқнинг АҚШга оид тарғиботи бамисоли Хўжа Насриддиннинг: «Эй, болалар! Ҳў, анави жойда бепул ёнғоқ беришмоқда», деб жар солиб, улар орқасидан унинг ўзи ҳам бунга «ишониб» чопиб кетганини эслатади. Албатта, бундай уйдирмалардан, эндиликда қўплаб омиллар воситасида қутулиш мумкин. Аммо, «юз марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши», дейди халқимиз.

Биз кўрган, кузатган муҳим нарсалар, фикримизча, асосан, қуйидагилардан иборат.

Биринчидан. Ҳозиргача бизга кўпроқ махсус ижтимоий-сиёсий, фалсафий адабиётдан маълум бўлган демократик давлатчилик шароитида давлат ҳокимиятини қонунчилик, ижроия ва суд тармоқларига бўлиниши АҚШда конституциявий белгиланган (1787 й.) амалиётга тадбиқ этилган, барча воситалар, гача бўлган ишларнинг ҳаммаси ошкоралик вазиятида юз беради. Ҳар бир фуқаро, сайловчи буларга оид ҳужжатлар билан танишиши, улар бўйича изоҳлар олиш имкониятига эга.

Тўртинчидан. Қонунчилик, ижроия, суд ҳокимиятларини рисолладагидай амалга оширилиши сиёсий партиялар фаолияти билан ҳам таъминланади. Ҳокимият тармоқларининг барчасида АҚШнинг икки асосий сиёсий партиялари — Республикачилар ва Демократлар партиялари вакиллари меҳнат қилишади. Улар, авваламбор, қонунга, ўз сайловчиларига ва фақат шулар орқалигина ўз сиёсий партиялари обрў-эътиборини ошишига хизмат қиладилар. Мазкур партиялар ташкилий жиҳатдан бизда бу хусусда шаклланган анъанавий тасаввурлардан жиддий фарқ қиладилар. Америкаликларнинг ўзлари улардаги ички интизомни бўш эканлигидан шикоят қилсаларда, бироқ, ушбу партиялар ўзларининг давлат ҳокимиятини эгаллаш, уни бошқаришдаги сиёсий вазифаларини аниқ, пишиқ-пухта бажарадилар. Конгрессмен, сенаторлар, масъул лавозимлардаги расмий кишилар ўз мавқеларини у ёки бу партияга мансублиқдан четда тасаввур этолмайдилар.

Бешинчидан. АҚШда қонун ижод қилиниши, қонунларни амалда рўёбга чиқарилиши, пировард натижада, халқ, сайловчиларнинг синчков назорати остида. Вакиллар палатаси аъзолари, ҳар икки йилда сайланиб, ўз сайловчилари манфаатларини эҳтиросли ҳис-туйғулар жунбушга келган ҳолда ифода этсалар, 6 йил муддатга сайланган Сенат аъзолари ўзига хос «совутгич» вазифасини бажариб, қонунчилик ишини ҳиссиётлар оламидан юксак тафаккур, ақл-заковат дунёсига олиб кирадилар, «етти ўлчаб бир кесиш» қабилида иш қиладилар. Бутун АҚШ тарихида мамлакат Конституциясига 5 мингдан ортиқ ўзгаришлар лойиҳалари таклиф этилиб, улардан атиги 26 тасининггина барча зарур босқичларни ўта олганлигини эслатиб ўтишнинг ўзигина бу ўринда кифоя қилса керак.

Вакиллик палатаси, Сенат аъзоларининг фаолиятлари Конгресс кутубхонасининг (жаҳондаги энг йирик) тадқиқотчилик маркази, парламентнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шунга ўхшаш хизматлари билан жиддий таъминланган. Мазкур хизматларга депутатларга, уларнинг қайси сиёсий партияга мансубликларидан қатъий назар, холисона, юқори савиядаги зарур ёрдамни кўрсатадилар. Булар, ўз навбатида, Конгресс фаолиятини юксак даражада юз беришига кўмаклашади, ҳамда, айни пайтда, умуммиллий манфаатларнинг тор партиявий манфаатлардан устун эканлигини бу ерда чуқур англанганлигидан далолат беради. Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи АҚШда, ўзининг барча даражаларида, ваколатига дахлдор ишлар билан тўла-тўкис шуғулланишда тамомила мустақилдирлар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Конституциясида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган қоидаларни юртимизда қурилаётган демократик, инсоний жамият учун нақадар тақдиролмон аҳамиятга эга эканлигини тушуниш қийин бўлмаса керак.

Бу ерда шундай савол туғилади: хўш, АҚШ давлат ҳокимияти фаолиятини бундай ташкил этишга, унинг воситасида аҳоли турмушининг юксак даражасига қандай қилиб эришган?

Бу саволга қисқа ва лўнда жавоб бериш, албатта, амри маҳол. Бунинг устига, ушбу юрт ҳақида биз ҳозиргача, кўпроқ, ғайрихолисона манбалардан маълумот олиш қисматига гирифтор этилган эдик. Лекин, шундай бўлишига қарамай, айрим ҳужжатлар ҳамда олган шахсий таассуротларим асосида бунга умумий тарзда жавоб беришга ҳаракат қилиб кўраман.

Ер куррасининг ғарбий ярмида жойлашган бу мамлакат ҳудуди XVI асрда Ғарбий Европада, феодализмдан фарқли ўлароқ, янги, илғор ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланаётган даврда кашф этилди. Америка маданияти қуп-қуруқ, бўм-бўш жойда пайдо бўлгани йўқ. Уни ўша давр Ғарб маданиятидан узиб олиб тушуниш ҳам мумкин эмас. Бироқ, уни айнан Ғарб маданиятининг ўзи, деб ҳам тушуниб бўлмайди. Мазкур мамлакат XVIII асрнинг сўнгги чорагида, АҚШ сифатида, шакллангунга қадар, тараққиётнинг машаққатли йўлини ўнлаб йиллар давомида босиб ўтди, янги, илғор ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш учун мустаҳкам таг-замин яратди.

Мана қизиқ бир мисол. Конгресснинг Вакиллар палатаси мажлиси ўтадиган зал деворига АҚШ ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган машҳур тарихий шахслар, давлат арбоблари, йирик мутафаккирларнинг қиёфаларини акс эттирган барельефлар ўрнатилган. Бу ерда Т. Джефферсон, Хаммурапби ва бошқаларни кўриш мумкин. Айтишларича, улар орасида Амир Темурнинг ҳам барельефи бор. Бунга ишончимиз тўла комил бўлиши учун (буни кейин билдик) бизга машҳур ватандошимиз барельефи суратини юборишга ваъда беришди.

Ақлга мувофиқ нарсаларгина воқедирлар (Гегель), деган оддий ҳаётий тамойилга таяниб, ўзига хос тушуниш тарзини яратган кишилар АҚШ давлатининг, унинг халқининг бетакрор тарихи, бугунги турмуши ҳамда нурли истиқболининг тамал тошларини қўйдиларки, қайсиким, бу ҳол, ўз аҳамияти жиҳатидан, инсоният, хусусан, унинг ривожланаётган қисми учун ўз вақтида Америка қитъасини кашф этилишидан кам бўлмаган даражадаги ҳодисадир.

Бу тамал тошлари нималардан иборат? Улар, америкаликларнинг ўзларининг фикрларича, асрлар синовидан ўтиб, америкача турмуш тарзи, одатлар, кўникмалар таркибидан чуқур из олган қуйидаги қадриятлардир:

— одамлар ўзларини тақдир тақозосига ташлаб қўймасликлари керак, инсонлар измига тушмайдиган нарсаларнинг ўзи йўқ, ҳаётий муаммоларни омадсизлик эмас, балки, дангасалик, ишёқмаслик келтириб чиқаради;

— ҳаётдаги ўзгаришлар ундаги анъаналардан устунроқ турадилар, зеро, улар турмушни янада яхшироқ ташкил этишга кўмаклашадилар;

— вақтни қадрлаш, уни беҳуда ўтказмаслик. Ахир, ўзимизда ҳам «вақтинг кетди — нақдинг кетди», деб бекорга айтилмаган-ку!

— инсонлар, фуқаролар тенглиги, тенг ҳуқуқлилиги, яъни ҳамма учун бир хил ҳаётий имкониятлар даражаси мавжудлигининг муҳимлиги;

— ҳар бир инсоннинг бетакрорлигини, унинг шахсий ҳурлиги, эгаменлиги, «ўзини-ўзи» билан ҳам бўлишлиги зарратини англаш. Бироқ, бу ҳолат бениҳоя эмас, ўз чегарасига эга. АҚШ фуқароларида қай даражада фикрлар хилма-хиллиги бўлмасин, пировард натижада, улар мамлакатнинг икки партиясидан бири учун овоз берадилар;

— соғлом ва эркин тадбиркорлик америкаликлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, у кишилардаги энг яхши ҳислатларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади;

— фақат ўз меҳнати билан, ҳомийлар ёрдамисиз, камбағал оилада туғилиб эришган мавқе, даража, натижалардан фахрланиш;

— келажакка катта умид руҳи билан яшаш, америкаликлар ўзларининг кечаги ва бугунги кунларини олға қараб сакраш учун бир супа, деб қарайдилар. Бу ҳол, маълум маънода, ўзининг буюк келажаги йўлида ҳаракат қилаётган, бунинг учун зарур шароитларни муҳайё этишга интилаётган Ўзбекистон, унинг фуқаролари кайфияти билан ҳамоҳангдир;

— бутун вужуд билан доимо ҳаракатда, меҳнатда бўлиш, «бекорчидан худо безор», деган ақидага амал қилиш, «бекор ўтиргандан бекор ишла» тамойилига риоя этиш, бекор қолган дақиқаларда, ҳатто шанбаякшанба кунлари ҳам, «таътил даврида ҳам ўзини қўярга жой тополмаслик», меҳнат қилиш «дардига» мубталолик, меҳнат, жумладан, жисмоний иш бажариш орқали обрў орттириш;

— норасмиятчилик, мўъжазгина кийиниш, кўринган ҳар қандай мавқедаги киши билан оддийгина «салом», деб сўрашиш;

—дангалчилик, очиқ кўнгиллилик, ҳалоллик;

— амалиётчилик, аниқ мақсадлар йўлида изчил ҳаракат қилиш, хом-хаёлликни ёмон кўриш, фойдасиз нарсалар кетидан қувмаслик;

— моддий фаровонликка интилиш, зеро, чинакам инсоний муносабатлар фақат дастлабки эҳтиёжлари қондирилган кишилар орасидагина куртак отиши, униб-ўсиши, ривожланиши мумкин.

Юқорида қайд этилган асосий қадриятлар америкаликларда кенг илдиз отган бўлиб, улар мазкур жамиятнинг устунларини ташкил этиб турибдилар. Бундай қадриятлар дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам, шубҳасиз, у ёки бу кўринишда, уларга кўпроқ даражада хос бўлган бошқа қадриятлар билан уйғунлашган ҳолда, ўзларини намоён этганлар. Шу билан бирга, умрини яшаб бўлган, қолоқ, оёқ-қўлга кишан бўлиб тушувчи қадриятлар ҳам борлар-ки, америкача қадриятлар билан танишиш зора улардан тез қутулишга ёрдам берса.

Нима, америкача турмуш тарзи қадриятлари ердан кўкариб чиққанми ёки осмондан тушганми? Асло! Улар ҳаётга америкача соғлом қарашнинг маҳсулидир. Хўш, унда ҳаётга америкача қарашнинг тубида нима ётади? Мазкур мамлакат халқининг маънавияти, унинг прагматик (фойдалилик) фалсафий дунёқараши ётади? Бу маънавият ҳамда фалсафанинг моҳияти, мазмуни нимадан иборат?

Яқин-яқинларгача нуфузли адабиётларда, гўё-ки, АҚШ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёти ўзининг маънавий-фалсафий негизларига эга эмас, деган фикр ҳукмрон эди. Кейинги пайтларда амалга оширилган тадқиқотларда бундай фикрларнинг асосли эмаслиги кўрсатиб берилди. Аслида, мазкур мамлакат фалсафий фикрининг «олтин даври» АҚШ шаклланганга қадар ҳам, кейинчалик ҳам ўз сарчашмасига эга бўлган. Ҳатто, ушбу сарчашманинг илк сарҳадий санаси 1620 йил билан аниқланган.

Ҳамма гап шундаки, Европа фалсафаси дурдоналари вориси бўлмиш америкача илк фалсафий фикрлар, ўз моҳият эътибори ила, амалий йўналган бўлиб, бу ерда, дастлаб, соф назарий-фалсафий қарашларга нисбатан салбий муносабат кенг тарқалган.

Дарҳақиқат, наҳотки ҳозирги замон маърифий ривожининг ибратли мамлакати равнақи тегишли тарздаги маънавий-фалсафий заминга таянмаган бўлса!?

Афсуски, кўп йиллар давомида, биз, ушбу мамлакат ижтимоий-фалсафий фикрини холисона, илмий ўрганиш имкониятларидан, маълум сабабларга кўра, маҳрум бўлган эдик.

АҚШ маданиятини, унинг халқи маънавияти, миллий онгининг ҳаётбахш сарчашмаси бўлмиш фалсафий тафаккури тарихи, ҳозирги ҳолатини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш имкониятини бизга истиқлолимиз берган муҳим неъматлардан бири, деб биламиз. Зотан, шуни комил ишонч билан айтиш мумкин-ки, бой маънавий анъаналарга, жумладан, фалсафий меросга эга халқ нурли истиқболга эришишнинг каттакон имкониятлари соҳиби бўлади.

Боз устига, маънавиятсиз тараққиёт йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган иборанинг ўта ҳаққоний эканлигини биз АҚШ, унинг тарихий ўтмиши мисолида ҳам бемалол кўришимиз мумкин.

Маънавиятга, хусусан, фалсафага, АҚШ тарихининг дастлабки давриданоқ, қандай аҳамият берилганлигини биз қуйидаги мисолдан ҳам билиб олишимиз мумкин. Ушбу давлатнинг «отахон-асосчилари»дан бири, унинг учинчи Президенти Т. Жефферсон (1743-1826) илм-фан ҳамда ижтимоий фикр талай соҳаларининг пешқадам олими, кўп йиллар давомида мамлакатнинг энг нуфузли миллий институти — Америка фалсафа жамиятининг президенти бўлган. 1962 йилда АҚШ Президенти Дж. Кеннеди Нобель мукофотлари катта гуруҳининг қабули иштирокчиларига мурожаат этиб, ушбу қабулни Оқ уйда юксак истеъдод ва билим соҳибларини, қачонлардир бу ерда танҳо тушлик қилган Жефферсонни истисно этганда, ўзида жамлаган ягона мажлисдир, деб айтган эди. Континенталь конгресс депутатларининг айни Жефферсон — янги давр фалсафаси ва ёш халқ намояндаси — зиммасига Америка демократик тарихининг буюк ҳужжатларидан бири — «Мустақиллик Декларацияси» матни лойиҳалаверса, бизнинг мазкур ташриф давомида кўрган-кечирганларимиз шундан далолат беради, собиқ Иттифоқнинг АҚШга оид тарғиботи бамисоли Хўжа Насриддиннинг: «Эй, болалар! Ҳў, анави жойда бепул ёнғоқ беришмоқда», деб жар солиб, улар орқасидан унинг ўзи ҳам бунга «ишониб» чопиб кетганини эслатади. Албатта, бундай уйдирмалардан, эндиликда қўплаб омиллар воситасида қутулиш мумкин. Аммо, «юз марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши», дейди халқимиз.

Биз кўрган, кузатган муҳим нарсалар, фикримизча, асосан, қуйидагилардан иборат.

Биринчидан. Ҳозиргача бизга кўпроқ махсус ижтимоий-сиёсий, фалсафий адабиётдан маълум бўлган демократик давлатчилик шароитида давлат ҳокимиятини қонунчилик, ижроия ва суд тармоқларига бўлиниши АҚШда конституциявий белгиланган (1787 й.) амалиётга тадбиқ этилган, барча воситалар, гача бўлган ишларнинг ҳаммаси ошкоралик вазиятида юз беради. Ҳар бир фуқаро, сайловчи буларга оид ҳужжатлар билан танишиши, улар бўйича изоҳлар олиш имкониятига эга.

Тўртинчидан. Қонунчилик, ижроия, суд ҳокимиятларини рисолладагидай амалга оширилиши сиёсий партиялар фаолияти билан ҳам таъминланади. Ҳокимият тармоқларининг барчасида АҚШнинг икки асосий сиёсий партиялари — Республикачилар ва Демократлар партиялари вакиллари меҳнат қилишади. Улар, авваламбор, қонунга, ўз сайловчиларига ва фақат шулар орқалигина ўз сиёсий партиялари обрў-эътиборини ошишига хизмат қиладилар. Мазкур партиялар ташкилий жиҳатдан бизда бу хусусда шаклланган анъанавий тасаввурлардан жиддий фарқ қиладилар. Америкаликларнинг ўзлари улардаги ички интизомни бўш эканлигидан шикоят қилсаларда, бироқ, ушбу партиялар ўзларининг давлат ҳокимиятини эгаллаш, уни бошқаришдаги сиёсий вазифаларини аниқ, пишиқ-пухта бажарадилар. Конгрессмен, сенаторлар, масъул лавозимлардаги расмий кишилар ўз мавқеларини у ёки бу партияга мансублиқдан четда тасаввур этолмайдилар.

Бешинчидан. АҚШда қонун ижод қилиниши, қонунларни амалда рўёбга чиқарилиши, пировард натижада, халқ, сайловчиларнинг синчков назорати остида. Вакиллар палатаси аъзолари, ҳар икки йилда сайланиб, ўз сайловчилари манфаатларини эҳтиросли ҳис-туйғулар жунбушга келган ҳолда ифода этсалар, 6 йил муддатга сайланган Сенат аъзолари ўзига хос «совутгич» вазифасини бажариб, қонунчилик ишини ҳиссиётлар оламидан юксак тафаккур, ақл-заковат дунёсига олиб кирадилар, «етти ўлчаб бир кесиш» қабилида иш қиладилар. Бутун АҚШ тарихида мамлакат Конституциясига 5 мингдан ортиқ ўзгаришлар лойиҳалари таклиф этилиб, улардан атиги 26 тасининггина барча зарур босқичларни ўта олганлигини эслатиб ўтишнинг ўзигина бу ўринда кифоя қилса керак.

Вакиллик палатаси, Сенат аъзоларининг фаолиятлари Конгресс кутубхонасининг (жаҳондаги энг йирик) тадқиқотчилик маркази, парламентнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шунга ўхшаш хизматлари билан жиддий таъминланган. Мазкур хизматларга депутатларга, уларнинг қайси сиёсий партияга мансублиқларидан қатъий назар, холисона, юқори савиядаги зарур ёрдамни кўрсатадилар. Булар, ўз навбатида, Конгресс фаолиятини юксак даражада юз беришига кўмаклашади, ҳамда, айни пайтда, умуммиллий манфаатларнинг тор партиявий манфаатлардан устун эканлигини бу ерда чуқур англанганлигидан далолат беради. Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи АҚШда, ўзининг барча даражаларида, ваколатига дахлдор ишлар билан тўла-тўкис шуғулланишда тамомила мустақилдирлар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Конституциясида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган қоидаларни юртимизда қурилаётган демократик, инсоний жамият учун нақадар тақдиролмон аҳамиятга эга эканлигини тушуниш қийин бўлмаса керак.

Бу ерда шундай савол туғилади: хўш, АҚШ давлат ҳокимияти фаолиятини бундай ташкил этишга, унинг воситасида аҳоли турмушининг юксак даражасига қандай қилиб эришган?

Бу саволга қисқа ва лўнда жавоб бериш, албатта, амри маҳол. Бунинг устига, ушбу юрт ҳақида биз ҳозиргача, кўпроқ, ғайрихолисона манбалардан маълумот олиш қисматига гирифтор этилган эдик. Лекин, шундай бўлишига қарамай, айрим ҳужжатлар ҳамда олган шахсий таассуротларим асосида бунга умумий тарзда жавоб беришга ҳаракат қилиб кўраман.

Ер куррасининг ғарбий ярмида жойлашган бу мамлакат ҳудуди XVI асрда Ғарбий Европада, феодализмдан фарқли ўлароқ, янги, илғор ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланаётган даврда кашф этилди. Америка маданияти қуп-қуруқ, бўм-бўш жойда пайдо бўлгани йўқ. Уни ўша давр Ғарб маданиятидан узиб олиб тушуниш ҳам мумкин эмас. Бироқ, уни айнан Ғарб маданиятининг ўзи, деб ҳам тушуниб бўлмайди. Мазкур мамлакат XVIII асрнинг сўнгги чорагида, АҚШ сифатида, шакллангунга қадар, тараққиётнинг машаққатли йўлини ўнлаб йиллар давомида босиб ўтди, янги, илғор ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш учун мустаҳкам таг-замин яратди.

Мана қизиқ бир мисол. Конгресснинг Вакиллар палатаси мажлиси ўтадиган зал деворига АҚШ ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган машҳур тарихий шахслар, давлат арбоблари, йирик мутафаккирларнинг қиёфаларини акс эттирган барельефлар ўрнатилган. Бу ерда Т. Джефферсон, Хаммурапби ва бошқаларни кўриш мумкин. Айтишларича, улар орасида Амир Темурнинг ҳам барельефи бор. Бунга ишончимиз тўла комил бўлиши учун (буни кейин билдик) бизга машҳур ватандошимиз барельефи суратини юборишга ваъда беришди.

Ақлга мувофиқ нарсаларгина воқедирлар (Гегель), деган оддий ҳаётий тамойилга таяниб, ўзига хос тушуниш тарзини яратган кишилар АҚШ давлатининг, унинг халқининг бетакрор тарихи, бугунги турмуши ҳамда нурли истиқболининг тамал тошларини қўйдиларки, қайсиким, бу ҳол, ўз аҳамияти жиҳатидан, инсоният, хусусан, унинг ривожланаётган қисми учун ўз вақтида Америка қитъасини кашф этилишидан кам бўлмаган даражадаги ҳодисадир.

Бу тамал тошлари нималардан иборат? Улар, америкаликларнинг ўзларининг фикрларича, асрлар синовидан ўтиб, америкача турмуш тарзи, одатлар, кўникмалар таркибидан чуқур из олган қуйидаги қадриятлардир:

— одамлар ўзларини тақдир тақозосига ташлаб қўймасликлари керак, инсонлар измига тушмайдиган нарсаларнинг ўзи йўқ, ҳаётий муаммоларни омадсизлик эмас, балки, дангасалик, ишёқмаслик келтириб чиқаради;

— ҳаётдаги ўзгаришлар ундаги анъаналардан устунроқ турадилар, зеро, улар турмушни янада яхшироқ ташкил этишга кўмаклашадилар;

— вақтни қадрлаш, уни беҳуда ўтказмаслик. Ахир, ўзимизда ҳам «вақтинг кетди — нақдинг кетди», деб бекорга айтилмаган-ку!

— инсонлар, фуқаролар тенглиги, тенг ҳуқуқлилиги, яъни ҳамма учун бир хил ҳаётий имкониятлар даражаси мавжудлигининг муҳимлиги;

— ҳар бир инсоннинг бетакрорлигини, унинг шахсий ҳурлиги, эгаменлиги, «ўзини-ўзи» билан ҳам бўлишлиги зарратини англаш. Бироқ, бу ҳолат бениҳоя эмас, ўз чегарасига эга. АҚШ фуқароларида қай даражада фикрлар хилма-хиллиги бўлмасин, пировард натижада, улар мамлакатнинг икки партиясидан бири учун овоз берадилар;

— соғлом ва эркин тадбиркорлик америкаликлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, у кишилардаги энг яхши ҳислатларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади;

— фақат ўз меҳнати билан, ҳомийлар ёрдамисиз, камбағал оилада туғилиб эришган мавқе, даража, натижалардан фахрланиш;

— келажакка катта умид руҳи билан яшаш, америкаликлар ўзларининг кечаги ва бугунги кунларини олға қараб сакраш учун бир супа, деб қарайдилар. Бу ҳол, маълум маънода, ўзининг буюк келажаги йўлида ҳаракат қилаётган, бунинг учун зарур шароитларни муҳайё этишга интилаётган Ўзбекистон, унинг фуқаролари кайфияти билан ҳамоҳангдир;

— бутун вужуд билан доимо ҳаракатда, меҳнатда бўлиш, «бекорчидан худо безор», деган ақидага амал қилиш, «бекор ўтиргандан бекор ишла» тамойилига риоя этиш, бекор қолган дақиқаларда, ҳатто шанбаякшанба кунлари ҳам, «таътил даврида ҳам ўзини қўярга жой тополмаслик», меҳнат қилиш «дардига» мубталолик, меҳнат, жумладан, жисмоний иш бажариш орқали обрў орттириш;

— норасмиятчилик, мўъжазгина кийиниш, кўринган ҳар қандай мавқедаги киши билан оддийгина «салом», деб сўрашиш;

—дангалчилик, очиқ кўнгиллилик, ҳалоллик;

— амалиётчилик, аниқ мақсадлар йўлида изчил ҳаракат қилиш, хом-хаёлликни ёмон кўриш, фойдасиз нарсалар кетидан қувмаслик;

— моддий фаровонликка интилиш, зеро, чинакам инсоний муносабатлар фақат дастлабки эҳтиёжлари қондирилган кишилар орасидагина куртак отиши, униб-ўсиши, ривожланиши мумкин.

Юқорида қайд этилган асосий қадриятлар америкаликларда кенг илдиз отган бўлиб, улар мазкур жамиятнинг устунларини ташкил этиб турибдилар. Бундай қадриятлар дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам, шубҳасиз, у ёки бу кўринишда, уларга кўпроқ даражада хос бўлган бошқа қадриятлар билан уйғунлашган ҳолда, ўзларини намоён этганлар. Шу билан бирга, умрини яшаб бўлган, қолоқ, оёқ-қўлга кишан бўлиб тушувчи қадриятлар ҳам борлар-ки, америкача қадриятлар билан танишиш зора улардан тез қутулишга ёрдам берса.

Нима, америкача турмуш тарзи қадриятлари ердан кўкариб чиққанми ёки осмондан тушганми? Асло! Улар ҳаётга америкача соғлом қарашнинг маҳсулидир. Хўш, унда ҳаётга америкача қарашнинг тубида нима ётади? Мазкур мамлакат халқининг маънавияти, унинг прагматик (фойдалилик) фалсафий дунёқараши ётади? Бу маънавият ҳамда фалсафанинг моҳияти, мазмуни нимадан иборат?

Яқин-яқинларгача нуфузли адабиётларда, гўё-ки, АҚШ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёти ўзининг маънавий-фалсафий негизларига эга эмас, деган фикр ҳукмрон эди. Кейинги пайтларда амалга оширилган тадқиқотларда бундай фикрларнинг асосли эмаслиги кўрсатиб берилди. Аслида, мазкур мамлакат фалсафий фикрининг «олтин даври» АҚШ шаклланганга қадар ҳам, кейинчалик ҳам ўз сарчашмасига эга бўлган. Ҳатто, ушбу сарчашманинг илк сарҳадий санаси 1620 йил билан аниқланган.

Ҳамма гап шундаки, Европа фалсафаси дурдоналари вориси бўлмиш америкача илк фалсафий фикрлар, ўз моҳият эътибори ила, амалий йўналган бўлиб, бу ерда, дастлаб, соф назарий-фалсафий қарашларга нисбатан салбий муносабат кенг тарқалган.

Дарҳақиқат, наҳотки ҳозирги замон маърифий ривожининг ибратли мамлакати равнақи тегишли тарздаги маънавий-фалсафий заминга таянмаган бўлса!?

Афсуски, кўп йиллар давомида, биз, ушбу мамлакат ижтимоий-фалсафий фикрини холисона, илмий ўрганиш имкониятларидан, маълум сабабларга кўра, маҳрум бўлган эдик.

АҚШ маданиятини, унинг халқи маънавияти, миллий онгининг ҳаётбахш сарчашмаси бўлмиш фалсафий тафаккури тарихи, ҳозирги ҳолатини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш имкониятини бизга истиқлолимиз берган муҳим неъматлардан бири, деб биламиз. Зотан, шуни комил ишонч билан айтиш мумкин-ки, бой маънавий анъаналарга, жумладан, фалсафий меросга эга халқ нурли истиқболга эришишнинг каттакон имкониятлари соҳиби бўлади.

Боз устига, маънавиятсиз тараққиёт йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган иборанинг ўта ҳаққоний эканлигини биз АҚШ, унинг тарихий ўтмиши мисолида ҳам бемалол кўришимиз мумкин.

Маънавиятга, хусусан, фалсафага, АҚШ тарихининг дастлабки давриданоқ, қандай аҳамият берилганлигини биз қуйидаги мисолдан ҳам билиб олишимиз мумкин. Ушбу давлатнинг «отахон-асосчилари»дан бири, унинг учинчи Президенти Т. Жефферсон (1743-1826) илм-фан ҳамда ижтимоий фикр талай соҳаларининг пешқадам олими, кўп йиллар давомида мамлакатнинг энг нуфузли миллий институти — Америка фалсафа жамиятининг президенти бўлган. 1962 йилда АҚШ Президенти Дж. Кеннеди Нобель мукофотлари катта гуруҳининг қабули иштирокчиларига мурожаат этиб, ушбу қабулни Оқ уйда юксак истеъдод ва билим соҳибларини, қачонлардир бу ерда танҳо тушлик қилган Жефферсонни истисно этганда, ўзида жамлаган ягона мажлисдир, деб айтган эди. Континенталь конгресс депутатларининг айни Жефферсон — янги давр фалсафаси ва ёш халқ намояндаси — зиммасига Америка демократик тарихининг буюк ҳужжатларидан бири — «Мустақиллик Декларацияси» матни лойиҳалари томон тинимсиз, ақл-заковат ёрдамида, меҳнат унумдорлигини таъминлаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиб интилсалар, албатта, унга етишажакларини исботламоқдалар. Ҳатто, бу йўлда бошқаларга ўз ёрдамларини аямажакларини ифода этмоқдалар. Улар бундан ўз манфаатдорликларини ҳам яширимайдилар. Чунки, бу мамлакат жувонмардлар диёри эмас, балки ўзи билан тенг даражада муносабат қила оладиган мамлакатлар дунёсини вужудга келиши аҳамиятини тушунган ҳамда бу йўлда тегишли саъй-ҳаракатлар қилишдан манфаатдор юртдир.

АҚШни, унинг ташқи сиёсатини ундай ёки бундай, деб талқин этиш мумкин. Бироқ, шу нарса ҳам аниқки, ушбу сиёсатнинг қандай бўлишлиги бошқа мамлакатларнинг қандай эканлигига ҳам боғлиқ.

Қарийб йигирма кунга яқин вақт мобайнидаги АҚШга сафар чоғида бу мамлакат фуқароларининг юксак ахлоқодоб, хушмуомалалилик, шарм-ҳаёлилик, олийжаноблик, юқори назарлилик, меҳмондўстлик, камсуқумлилик, тортинчоқлик каби фазилатлар соҳиби эканликларига иқрор бўлдик. Делегациямизнинг барча 9 аъзосини Даллас шаҳри фахрий фуқаролигига қабул қилинганлиги АҚШ расмий доиралари, унинг халқининг мустақил Ўзбекистон давлати ички ҳамда ташқи сиёсати, халқига бўлган самимий дўстона муносабатининг ўзига хос кўринишидан бошқа нарса эмас.

Машҳур инглиз тарихчиолими Арнольд Тойнби академик Н. И. Конрадга ўз вақтида ёзган хатларидан бирида собиқ Иттифоқни инсоният келажагининг тимсоли сифатида идрок қилишини айтган эди. Ҳаёт ушбу нуқтаи назарни тасдиқламади. Умумий этник асосларга эга бўлмаган АҚШ халқининг миллий тараққиёти олимнинг юқоридаги сўзларини айни америкаликларга тааллуқли эканлигини, фикримизча, кўрсатиб тургандай. Мен бу ўринда миллий равнақнинг негизини, унинг бош омилини инсоний, ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши ташкил этажагига ишора қилмоқчиман, холос.

Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ривожи учун битмас-туганмас имкониятлар мавжуд. Ҳамма гап улардан самарали фойдалана билишда.

Америкаликлар сиёсий барқарорликни, муроса-ю мадорани юксак қадрлайдилар. Учрашувлар чоғида Ўзбекистондаги тинчлик, осойишталик аҳамиятини, уларни ислоҳотлар сиёсатини амалга

"ЧИНОБОД" САНАТОРИЙСИГА МАРҲАМАТ!

"Чинобод" санаторийси республикамиздаги энг сўлим, тиббий хизмат кўрсатиш жиҳатидан эса энг малакали даволаш масканларидан биридир.



Ошқозон ёки сафро-айириш йўллари операция қилинган беморлар учун махсус, яъни соғлиқни қайта тиклаш бўлими самарали ишлаб турибди.

У пойтахтимизнинг чекка қисмида, денгиз сатҳидан 470 м. баландликда, боғ-роғлар бағрида жойлашган бўлиб, бир йўла 450 мижозни қабул қила олади. Кўп қаватли замонавий бино ётоқхоналари бир-икки кишилик.

Ошқозон-ичак касалликларини даволашда шифобахш минерал сув, Балиқли кўл балчиқ-лойи, турли ванналар, ичакларни намлаш, ошқозонни ювиш, парафин, уқалаш, душ, махсус жисмоний тарбия машқлари каби муолажалар айниқса қўл келмоқда.

Санаторийга қатнаб даволанувчиларга ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатилади.

Даволаш масканида кино зали бўлган клуб, кутубхона, ракс ва спорт майдончалари, чойхона ҳамда дўконлар мавжуд.

Хуллас, Сизларнинг талаб-эҳтиёжингизни қондиришга мўлжалланган барча қулайликлардан фойдаланишингиз мумкин.

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри,
Гвардейск кўчаси, 88 уй.
9,67- автобусларнинг
"Чинобод" санаторийси бекати.

Кузги-қишки даврнинг бошланиши билан қимматбаҳо тақчил ёқилғининг, демак электр энергиясининг истеъмоли кескин ортади, шу боис энергиядан оқилона фойдаланиш қўш самара беради — ёқилғи сарфини камайтиради, оила ва корхона бюджетини тежаб, қўшимча фойда келтиради.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ОҚИЛОНА ВА ТЕЖАБ-ТЕРГАБ САРФЛАНГ!

Электр энергиясининг бемақсад сарфланишига:
- ♦ хонадонларда, йўлакларда, зинапоя майдон-чаларида,
- ♦ куннинг ёруғ пайтида лампочкаларнинг ёниб туришига йўл қўйманг.



ШУНИ ЁДДА ТУТИНГ:

♦ Кечаси ёниқ қолдирилган фақат биргина *100 Ваттли* лампочка бир йил ичида 360 кВт соат сарфлайди ёки оила бюджетидан 108 сўм бекорга кетади (1995 йил сентябрдаги баҳоларда).

Саноат, коммунал ва бошқа корхоналарда:

♦ асбоб-ускуналарнинг тўлиқ иш билан таъминланганлиги,
♦ реактив қувватнинг қопланиши йўқлиги,
♦ симобли газоразрядли, криптонли ва бошқа лампочкалар ўрнига тежамсиз чўғламали лампочкалардан фойдаланиш сабабли

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ХЎЖАСИЗЛАРЧА САРФЛАНМОҚДА.

Ишни тугатдингизми — асбоб-ускуналарни, цехдаги ва маъмурий бинодаги ортиқча ёритгичларни ўчиринг!

"ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ"

"ДИНА" ҳуқуқий компанияси

— мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари мажмуаларини ишлаб чиқиш, корхоналарнинг муҳрларини тайёрлаш, банкда ҳисоб рақамини очиш билан бирга, тайёр ҳолда рўйхатдан ўтказиб бериш бўйича хизматларни кўрсатади.

Шартномаларни тузган мижозлар:
— кичик бизнес корхоналари ишини ташкил этиш;
— фуқаролар ва ташкилотларга меъёрий ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, жорий қонунчилик бўйича юридик хизматлар кўрсатиш юзасидан бепул маслаҳатлар оладилар.

Алоқа учун телефонлар:
79-14-77, 79-14-78, 72-35-31.
Манзилимиз: Тошкент,
"Халқлар дўстлиги" кўчаси,29-уй
"Собир Раҳимов" метро бекати.

ТАШКИЛОТ

МАЙДА ВА УЛГУРЖИСИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ **СОТАДИ:**

шарикли ручкалар,
фломастерлар,
стерженлар,
папкалар,
скорошивателлар (ҳужжатлар йиғиб қўйиладиган папкалар),
канцелария елими,
паронит - 2, 3, 4 мм. (прокладка материали),

Паррандалар ва ҳайвонларни семиртирувчи "Примикс"қўшимча озиқлантирувчи ҳамда витамин ва вакциналар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузади.

Ҳақ тўлаш—исталган шаклда.

Телефон: (3712) 33-41-47.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —

янги имкониятлардаги авиасервис

Тошкентда МДҲнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиакомпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш кассалари очилди.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
Домодедово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.

Тел: 33-29-49.

ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ"

фирмаси СИЗЛАРГА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН 300 ДАН ОРТИҚ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

АГАР СИЗГА ОШҚОЗОН-ИЧАК, ТЕРИ-ТАНОСИЛ, ЮРАК, ҚОН-ТОМИР, ЖИГАР, БУЙРАК, АСТМА ВА АСАБ ХАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛ КЕЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЗАРУР БЎЛСА ФИРМАМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

ФИРМАМИЗГА ДУНЁНИНГ БАРЧА ҚИТЪАЛАРИДАН ТУРЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА.



Сиз фирмамиздан *"Гермед"* (Германия), *"Стерлинг Хелс"* (Буюк Британия), *"КРКА"* (Словения), *"Берингер Ингельхайм"* (Австрия), *"ЦИЭХ Польфа"* (Польша), *"Эссекс Кеми АГ"- "Шеринг Плау"* (АҚШ), *"W Robertson Co LTD"* (АҚШ), *"Гедеон Рихтер"* (Венгрия), Россия, Украина каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни, шунингдек, ошқозон-ичак яраларига шифо ато этувчи *"Зантак"*ни, қаттиқ оғриқни қолдирувчи *"Сольфадеин"*ни харид қилишингиз мумкин.

ШОШИЛИНГ, СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР, МАЛҲАМЛАР ФИРМАДА ИСТАГАНЧА ТОПИЛАДИ. УЛАР ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ.

Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди. Савдо-сотик пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-а уй (метронинг"Ғафур Ғулом" бекати).

Телефонлар:
44-24-34,
40-44-83.
40-48-06.
Факс:
40-48-53.

ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ "СУВЖИҲОЗГАЗ" қўшма корхонаси

сув ва газ учун турли моделдаги хўжалик ва саноат счётчикларини

таклиф қилади.

Сифатли, арзон, чидамли, бежирим.



Сизларни кутамиз.

Тошкент, Воровский кўчаси, 26
"Чкалов" метро бекати.

Телефонлар: 96-53-71,
96-70-94.
Факс: 96-14-20.



"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ

70 фоизи АҚШдаги конвейердан!



"Konica U-BIX"

нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.

Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

«Карвонсарой — Осиё» фирмаси Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ва телевидение билан ҳамкорликда «Бизнес-ижод» клубини очди.

Клубимизда Сиз янги дўстлар, бизнес соҳасида янги шериклар орттиришингиз мумкин. Санъаткорлар билан шартномалар тузишингиз, ишбилармон шериклар сафини кенгайтиришингиз, ўз уйингиздагидай кўнгилли ҳордиқ чиқаришингиз, муаммоларингизни ўртага қўйишингиз мумкин ва ҳоказо. Клубда бизнес бўйича маслаҳатчи, рухшунос ва ёшлар ижоди бўйича маслаҳатчи хизматда.

7 октябрда «Бизнес-ижод» клубининг таништириш маросими бўлади.

Клубимизга ташриф буюришни хоҳловчилар А. Навоий номли театр кассасига мурожаат этсинлар.

Концерт программаси, киройи дастурхон, Карвонсарой — Осиё» фирмаси ходимларининг илтифоти хизмат чипта баҳосига киради.

Маълумотлар учун телефонлар: соат 10.00 гача 63-23-30, соат 16.00 дан сўнг 67-50-83.

Соғлом авлод учун

«ҒИЛДИРАКЛИ» ПОЛИКЛИНИКА

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш авлод саломатлиги ҳақида қайғуриш республика ҳукуматининг эътиборида турибди. Халқаро «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг тузилганлиги фикримиз далили.

Жамғарманинг давлат аҳамиятидаги молик дастури режа асосида амалга оширилмоқда. Яқинда Германиядан энг замонавий ташҳис аппарати билан жиҳозланган ҳамда аёллар ва болалар саломатлигини тула текшириштан ўтказишга имкон берадиган 15 та «ғилдиракли» поликлиника—ихтисослашган автомобиль-амбуланс сотиб олинди. Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида автомобиль-амбулансларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда қатор вазирлик, қўмита раҳбарлари, жамғарма вакиллари, Германия элчихонаси ҳамда шу мамлакат фирма вакиллари иштирок этишди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси Г. Йўлдошева таъкидлаганидек, мақсад фақат аёллар ва болаларни мутахассислар текширувидан ўтказишдан иборат бўлмай, балки кенг кўламда уларга ижтимоий, жумладан моддий ёрдам кўрсатишдир. Дори-дармон муаммоси ҳал қилинган. Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари катта миқдордаги дори-дармон заҳирасига эга.

Республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов мазкур тадбир аҳолини соғломлаштириш борасидаги узоқ муддатли ва аниқ мақсадга қаратилган дастурнинг бир бўлаги бўлиб, вазирлик «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан янада самарали тадбирлар ишлаб чиқаётганлигини таъкидлади.

Кўплаб мамлакатларга энг замонавий тиббий техника етказиб бераётган Германиянинг «Карл Цейсс Йена» фирмаси вакили М. Вернернинг эътирофи эътиборга молик: «Иш жараёнида биз «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси дастури билан яқиндан танишиб, унинг улкан аҳамиятга эга эканига амин бўлдик. Шу тариқа фирмамиз жамғармага аъзо бўлишга аҳд қилди».

Равшан ШОДИЕВ.

Хотира

«ИЗЛАР ҲОФИЗ НОЛАСИН»

Машҳур санъаткор Отажон Худойшукуровни ёд этиб...

Юрак билан ёниб куйлаган, устози Комилжон Отаниёзовдан сўнг ўзига хос ижрочилик мактабини яратган машҳур ҳофизлардан бири шубҳасиз, Отажон ХУДОЙШУКУРОВ эди. Афсус-надоматлар бўлсинки, эди.. Бизда хонанда кўп, лекин юрак билан ёниб куйлайдиган ҳақиқий қўшиқчи кам. Бизда тор ушлаб саҳналарни тўлдириб юрганлар ниҳоятда сероб, аммо чин санъаткор ҳамон ноёб. Бизда шовқин-сурон билан куйлаётганлар ҳаддан зиёд, бироқ юракларга титроқ соладиган овозларга ҳали-ҳануз чанқоқмиз. Овоз—оллоҳнинг буюк неъмати. Отажон ака ана шундай бебаҳо неъматга муяссар бахтли зот эди. Шу билан, сеҳрли сози, ўктам овози билан ўзига-ўзи бир умрлик ҳайкал қўйиб кетди.

Қадим Тўрткўл тупроғи уни ўз бағрида дунёга келтириб, авайлаб-асраб, катта меҳр-мурувват билан камолотга етказган эди. Ва яна минг фарёдлар, дарду аламлар билан уни ўз бағрига қайтиб олди. (Илоё, ётган жойлари жаннатда бўлсин!) Салкам бир йилдан буён Тўрткўл тупроғи етим бўтадек бўзлайди, булбул тўғайлари уни эслаб, зор-зор чарх уради. Буюк Амударёда пайдо бўлган ҳасратли тўлқинлар қирғоқларга урилиб, нола қилади. Улкан чинорлар, гужумлар ҳамон унсизгина фарёд этади. Энди бу айрилиқ жароҳатларига фақат қўшиқ малҳам бўлади, фақат қўшиқ таскин беради. Ва ҳофизнинг умри ҳам ана шу ўлмас қўшиқларда давом этаверади.

Отажон Худойшукуров фақат лирик қўшиқчи эмасди. У киши ўзбек классик ашулалари ва Хоразм мақомлари ва суворалларини юксак маҳорат билан ижро этган ҳофиз эди. Хоразм ижрочилик мактабида суворалар алоҳида ўрин тутади. Суворадан ташқари «Сувораи дуғоҳ Ҳусайний» номли қисми ҳам бор. Бу ашулаларни фақат катта овоз соҳибларигина ижро этолган, холос. Отажон ака суворани Машраб мухаммаси билан куйлаган:

Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин...

Таниқли мусиқашунос Отаназар Матёқубов шундай ҳикоя қилади:

— Отажон қўшиқ оламига ёниб кириб, ёниб ўтди. Ҳеч қачон тутамади. У доим янгилик излади, янгилик қилишга интилди. Унинг муваффақияти шундаки, ўз ижодига танқидий қарарди. Бирор ашулани меъёрига етказиб ижро этганда ҳам ғурурланиб кетмасди. Мақтовларга учмасди. Ўзининг даражасини биларди. Ҳар қандай шеърни куйга солавермасди. Сўзга жиддий эътибор берарди. Унинг сози овозига мос юрарди. Бу камдан-кам санъаткорга насиб этадиган бахт. Ҳатто қардош халқлар қўшиғини ҳам ўз ижро услубига мослаштириб, Отажон бўлиб куйларди. Уни ҳеч ким билан алмаштириб ёки ўрнига қўйиб бўлмайди. У инсон сифатида ҳам мард эди. Курашга тушишни яхши кўрарди, раҳматлик. Баъзан тўйларда торини қўйиб, полвонлар билан баб-баробар беллашарди...

Отаназар оғанинг ҳикоясини тинглаб, ўйладимки, унинг қўшиқлари руҳида шул улуғворлик, жасорат, мардлик ва Амудай теранлик, Амудай кенглик бор. Шу боис ҳам уни таниқли шоиримиз Омон Матжон бежиз «Учинчи дарё» деб атамаган:

Гўё Жайҳунлан ҳам баҳайбат наҳр
Яқинтина жойда оқар ўкириб...

Қўшиқ дарёси бўлиш ҳар қандай улкан санъаткорларга ҳам насиб этавермайди. Лекин камтарин ҳофиз бир суҳбатда «Асл дарё Комилжон устоз, бизлар ирмоқлармиз»,— деган.

— Ҳақиқатан ҳам устозимиз Отажон Худойшукуров ниҳоятда камтарин, камсуқум инсон эдилар, — деб эслайди, республикада хизмат кўрсатган артист, таниқли хонанда Раҳматжон Қурбонов — У киши билан замондош бўлганимдан фахрланаман. Устоз билан бирга концертлар берганмиз, у кишидан кўп нарсалар ўрганганмиз. Отажон устоз аллақачон ўз ижро мактабини яратиб кетди. Энди унинг меросини авайлаб-асрашимиз, келажак авлодларга етказишимиз керак. Устознинг номини абадийлаштириш вақти келди, деб ўйлайман. У киши халқ учун, Ватан учун беқиёс хизматлар қилиб кетди.

Отажон ака оламдан ўтганида Омон Матжон билан Қашқадарёда ижодий сафарда эдик. Эшитибоқ йўлга тушдик. Поездда мижжа қоқмай, дардалам билан Тўрткўлга етиб келдик. Йўлда Омон ака «Отажонни эслаб...» номли марсия ёзди. Кейинчалик ушбу марсияни қўшиқ қилдим:

Оққан дарё тиндими,
Олтин торинг синдими,
Отта бошқа миндими,
Ўртадаги дўст қани?...

Икки дарё ораси,
Уч юз олтмиш қалъаси,
Излар ҳофиз ноласин,
Ўртадаги дўст қани?..»

Раҳматжоннинг бу қўшиғи Отажон аканинг руҳларини шод этиш билан бирга, мухлисларнинг жароҳатли қалбларига малҳам бўлди...

Машҳур ҳофиз ўлимидан анча йил илгари шогирдларига айтган қўшиқларини ҳисоблаб беришни илтимос қилган. Шунда шогирдлари унинг дастурида 300 дан зиёд қўшиқ борлигини ҳисоблаган экан.

Асосан ўзбек, қорақалпоқ, туркман халқ қўшиқлари, достонлари ва мақом ашулалари ҳофиз репертуарининг асосини ташкил этган. У узоқ йиллар «Аму тўлқини» ансамблига раҳбарлик қилди. Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти унвонларига сазовор бўлди. Республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. У Тўрткўлда яшаб, ижод этган бўлса ҳам, овози Марказий Осиёнинг ҳамма жойларида мардона янграган. Отажон ака мустақил юртимиз учун, Туркистон халқлари бирлиги учун ёниб хизмат қилмоқчи эди. Афсуски, бевақт келган хасталик уни анча вақт созидан айирди. Сўнг ёру биродарлари, дўсту қариндошлари, минглаб мухлислари юрагидан юлиб олиб кетди...

Айтишларича, Отажон ака кузни яхши кўраркан. Фақат шу фаслда туғилгани учун эмас, балки энг ўтли, дардли қўшиқларини ҳам кўпроқ кузда яратган экан... Бугун эса куз олтин япроқлар билан унинг муборак қабрини зиёрат қиляпти. Гўё япроқлар ҳам ҳофизнинг ўтли бир қўшиғини такрорлаётгандек:

Булбулман, оҳу зор чекиб,
Тоза гулзордан айрилдим...

Ашурали ЖЎРАЕВ.

Спорт

ОЛДИМДА РАҚИБ, ҚЎНГЛИМДА ОЛИМП

ОСИЁ БОКС ЧЕМПИОНАТИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Истиқлол юртимиз яна катта спорт нафаси билан яшамоқда. Бошкентимизда нуфузли мусобақа бошланди. Байрамона безатилгаан «Алпомиш» саройи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Бу ерга ашаддий бокс мухлислари тўпландилар. Улар Осиёнинг турли мамлакатларидан келган зарби зўр йигитларнинг маҳоратларини томоша қилишга ошиқар эдилар.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросими байромона тус олди. Карнайлар нара тортиб, сурнайлар чалиниб, йирик спорт анжумани ҳақида дарак бериб турарди. Ниҳоят кучли ёғдуларга бурканган улкан залда мусобақа қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг жамоалари саф тортишди. Таниқли боксчимиз, жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев ғолибларга мўлжалланган биллур совринларни супачага қуяркан залда гулдурос қарсаклар янгради. Шундан кейин Осиё бокс чемпионати ташкилий қўмитаси раиси, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабековга сўз берилади. У меҳмонларни муборакбод этиб, юртимизда спортнинг, хусусан боксниг ривожланишига алоҳида аҳамият берилаётгани, моҳир боксчилар сафи кенгайиб бораётгани ҳақида тўхталди. Боксчиларга қизғин ва муросасиз курашда омадлар тилади. Шундан кейин нуфузли меҳмон, жаҳон ва Осиё ҳаваскор боксчилар уюшмасининг президенти, профессор Анвар Чаудри дил сўзларини баён қилди. У Осиё бокс чемпионатини ўтказиш учун ёш истиқлол Ўзбекистон беҳуда танланмаганлигини эътироф этди. Юртимизда тинчлик ва барқарор ривожланиш борлигини қайд қилди. Йирик халқаро мусобақалар ўтказишда тажриба тўплангани, қолаверса, боксчиларимизнинг халқаро майдонларда қўлга киритган ютуқлари ҳақида сўзлади. Шунингдек, у юртбошимиз билан бамаслаҳат мамлакатимизда Осиё бокс кубоги учун мусобақани анъанавий равишда ўтказиш борасида мулоҳаза юритилгани ҳақида фикр билдирди. Сўнгра мусобақа очиқ деб эълон қилинади.

Мухлислар энди рингга дастлабки жуфтлик кўтарилса керак, деб туришганда саҳнага санъаткорлар чиқиб, йиғилганларнинг кўнглини хушладилар. Хусусан, болалар дастасининг турли миллатларга мансуб рақс ва қўшиқлари, Козим Қаюмовнинг хонишлари, «Ялла» чолғучиларини Фарруҳ Зокиров бошчилигида саҳнага кўтарилиши меҳмону-мезбонларни мамнун этди. Ниҳоят боксчиларнинг учрашувлари бошланди.

THE 18th ASIAN BOXING CHAMPIONSHIPS
БОКС БЎЙИЧА 18 ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ
Tashkent '95 Uzbekistan
30.IX. - 9.X.1995

Мусобақанинг биринчи куни 51 килограмм вазнли йигитлардан етти нафари, 67 килограммли боксчилардан тўрт нафари ўртасида ўзаро кураш бўлди. Индонезиялик Раҳмон Киликили қозоғистонлик Болат Жумадиловга имкониятни бой берди. Япон боксчиси Кенжи Наказоно эса мўғул Лихагва Батбилекни доғда қолдирди. Шунингдек, туркманистонлик Эсханқули Маретниёзов, кореялик Ли Жон Бин, ҳиндистонлик Саган Киран, тайванлик Пхосуван Парамуаусакм, эронлик Анвар Аҳадий, филипинлик Роналд Човезлар ҳам дасталбки ғалабани қўлга киритиб, чорак финалга йўлланма олишди.

Ҳозирча саралаш мусобақалари давом этмоқда. Демак фақат кучлиларгина курашни давом эттиради. Шундай имкониятга таниқли боксчимиз Наримон Отаев ҳам муяссар бўлди. Когонлик бу йигит кореялик Вае Хю Жо билан баҳслашди. Дастлабки раундда боксчимизнинг қўли баланд келганлиги яққол сезилиб турди. Иккинчи раундда кучлар тенг келди. Якунловчи раундда эса шиддатли кураш оқибатида Наримоннинг қўли 9:5 ҳисобида юқори кўтарилди.

Саралаш баҳслари бугун ҳам давом этади. Эртадан бошлаб эса чорак финал учрашувлари бошланади. Ғолиблар якшанба куни аниқланади. Ўйлаймизки, Осиё чемпионати иштирокчилари ўз рақибларини енгиб, финални кўзлаб олимпиада ўйинларига йўлланма олишга астойдил интиладилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Биз шундай халқмиз

ҲАМ ПОЛВОН, ҲАМ ДЎХТИР

Ҳозир уни полвон деб чақирсангиз кулиб қўяди. Чунки у даврлар ўтди-да. Бир замонлар Турум отаси Шердулла акага эргашиб (у киши Сурхон воҳасида чавандоз ва полвон сифатида катта довруғ қозонган) от чопди, кураш тушди. Лекин...

Нима бўлди-ю 15 ёшларида бир қалтис ҳолат юз бериб оёғи тизза бўғинидан чиқиб кетди. Уни даволаган дўхтир: «Ғайратли йигит экансан, ука, спорт ҳам керагу... Аммо сендан зўр жарроҳ чиқадиёв», деб ҳазиллашди. Шу гап таъсир қилди шекилли унга. Мактабни битирган йили Самарқанддаги тиббиёт институтига борди. Бироқ, омади чопмади — имтиҳондан йиқилди. Қишлоққа қайтиб, пахтада ишлади. Яна кўпкари чопди. Отасига тортиб гурсиллаб-гурсиллаб йиқилганидан кўра гурсиллатиб йиқитгани кўп бўлди. Сўнг...

Қарши тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. Ўқишдаям тинмади. Миллий кураш бўйича ўз вазнида Ўзбекистон чемпиони бўлди. 1966 йили эса мамлакат спорт устаси деган унвон ҳам олди. Ўқишни битириб, тўғри Деновга «Ҳазорбог»га келди. «Тез ёрдам»да, сўнг жарроҳлик бўлимида ишлади. Шундаям барибир институтга кириб ўқиш орзуси сўнмади. Учинчи уринишдан сўнг ниҳоят 1969 йили талаба бўлди. Яхши ўқиш билан бирга яна ўз севган соҳаси — курашни ҳам ташлаб қўймади. Хивада собиқ СССР биринчилиги учун ўтказилган спартакиадада қатнашди. «Уша йиллари юракда олов бор экан-да, қатто китоблик машҳур полвон, жаҳон чемпиони Хушвақт Рўзиқулов билан ҳам кураш тушиш насиб этган» дея хотирлайди Турум Шердуллаев ҳаяжон ила.

Ўқиш тугагач яна «Ҳазорбог»даги марказий шифохонанинг жарроҳлик бўлимида ишлай бошлади. Олти ой деганда бинони рисоладагидай қилиб таъмирлатди. Ўзиям қурувчиларга қўшилиб ишлади. Ҳам жарроҳлик қилди, ҳам ташкилотчи раҳбар сифатида ўзини кўрсатди. «Ғалаба» жамоа хўжалиги шифохонасига бош шифокор бўлиб ўтгандан сўнг бу маскан республика кўрик-танловида ғолиб чиқди. Бошидан кўп кўнгилсизликлар ҳам ўтди. Парво қилмади. Ҳалол ишлади. Ўзига ишонди. Бир куни...

«Ҳазорбог»нинг ўша маҳаллардаги ишчан директори Менгқобил ака билан гапи бир жойдан чиқди. Шу ерда бир санаторий қурсак қандай бўларкан? — дейишиб турли маҳкамаларга мурожаат қилишди. Рухсат берилгач, ҳашар йўли билан баҳаво майдонда шинамгина санаторий қурилди.

Бугун Абу Али ибн Сино номи билан аталаётган бу сиҳатхонанинг обрўси биргина Сурхондарёда эмас, балки бутун Ўзбекистонда ҳам баланд. Дунё талабларига жавоб берадиган даражада жиҳозланган. Шунингдек, санаторий жамоаси бозор иқтисодиёти замонида ўз оғирлигини ҳадеб давлатга ташлаб қўймай, ўз аравасини ўзи тортишга интиляпти ҳам. Қўшимча 50 гектар майдонга пахтадан тортиб, галла, беда ва бошқа турли зироат экинларигача экишган. Яна 5 гектар боғ, бир гектар ерда лимонзорлари ҳам бор. Ҳатто санаторийда 50 бош қорамол ва йилқилар ҳам боқилаётганини айтсак, ишонмайсиз. Мева-сабзавот, полиз маҳсулотларидан тортиб, шифобахш қимиз ва тўйимли гўштгача ўзларидан чиқяпти. Буни ҳақиқий ишбилармонлик, деса бўлади. Ана шу савоб ишларнинг бошида фидойи инсон Турум ака турибди.

Ўзи яқинда вилоят санаторийлар бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланган бўлсада, барибир ҳар куни бир оёғи «Ҳазорбог»да...

Зойир МАМАЖОН,
Сурхондарё вилояти.

Ўзбекистон темир йўллар давлат ҳиссадорлик компаниясига қарашли Ҳавотоғ физиотерания шифохонаси республикамизнинг энг олди шифо масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили 2500-3000 дан зиёд темир йўл ходимлари ва Сирдарё вилояти меҳнаткашлари ўз соғлиқларини тиклайдилар.

Шифохонада бод, экзема, писориаз сингари 18 хил касаллик даволанади. Муолажалар тури 26 хилдан ошиқ бўлиб, уларнинг энг асосийлари Ҳавотоғ маъданли суви ёрдамида беморни дардлан фориғ қилишдир. Хавотоғ маъданли суви натрий хлор типидаги шифобахш сувлар сирасига кириб, 50-55 даража иссиқликда 1500 метр баландликдан отилиб чиқади. У шифобахшлиги жиҳатдан Кавказдаги Мацеста, Пҳалтуба ва Нальчик сувларидан сира қолишмайди, микроэлементлар таркиби жиҳатдан эса ҳатто улардан афзаллиги ҳам бор. Демакки, муолажаларда ундан янада кенгроқ фойдаланиш мумкин.

Суратда: шифохона раҳбари, темир йўл фахрийси, соғлиқни сақлаш аълочиси Садриддин Турақулов одамлар орасида.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ТАБИАТНИНГ ТЕНГСИЗ МЎЪЖИЗАСИ

Тиббиёт институтларини битирган шифокорлар яхши эслашса керак, яқин-яқин вақтларда ҳам неврология фанига 1869 йилда А. Я. Кожевников асос солган деб ўқитиларди. Мия операциясини илк бор 1936 йилда Н. А. Бурденко амалга оширганлиги уқтирилиб, рус олимлари неврология соҳасининг сарчашмаларида турганлиги айтиларди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Наби Мажидовнинг 20 босма табоқ ҳажмдаги «УМУМИЙ НЕВРОЛОГИЯ» деган дарслиги, таъбир жоиз бўлса, бу соҳадаги бор ҳақиқатни рўй-рост баён этиш орқали кўпчиликнинг кўзини очди. Наби Мажидов Россия олимларининг неврология фанига қўшган ҳиссасини инкор этмаган ҳолда тиббиётнинг бу соҳаси олис асрларга бориб тақалишини кўрсатиб берди.

Чунончи неврология тарихини қадимги замон (қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой, Юнон, Рим империяси), Ўрта аср (бу даврга Ал-Киндий, Хунайн ибн Исҳоқ, Ар-Розий, Ал-Форобий, Ал-Захвари, Абу Райҳон Беруний, ибн Ал-Байтар, Амор ибн Али каби алломалар ижоди киради) неврологиясиз тасаввур этиб бўлмаслигини шу китобдан берилаётган парчани ўқисангиз дилдан ҳис этасиз.

Атрофимизни ўраб турган бутун борлиқ — майда зарралардан тортиб улкан, осмонўпар тоғлару, замину-замон, бутун жонли ва жонсиз мавжудотларнинг ҳаммаси она табиатимиз маҳсулидир. Инсоннинг асаб системаси, айниқса бош мияси шу табиат маҳсули бўлиб, ўзининг тутган ўрни, вазифаси, тузилиши жиҳатидан энг олий даражадаги материя ҳисобланади.

Инсон мияси шундай бир галактикаки, таркиби миллард сайёралар каби сон-саноқсиз нейронлардан иборат бўлиб, табиатнинг энг улуғ сирларини ўзида сақлайди. Унда қандай ҳодисалар рўй бермоқда, фаолияти, ишлаш тартиби қандай? Бу саволлар неча асрлар давомида инсониятни қизиқтириб келмоқда.

Асрлар давомида олимларимиз табиатнинг тенгсиз ва ниҳоятда мукаммал такомиллашган мўъжизаси ҳисобланмиш одамзод бош миясининг хусусиятларини ўрганиб келмоқдалар.

Инсон улуғ. Инсоннинг улуғворлиги эса унинг бош миясининг маҳсули бўлмиш онгидадир. Шу боисдан одамзод қолган бутун тирик мавжудотдан фарқ қилади.

Илм-фаннинг ҳозирги тараққиёти ва ютуқларига қарамасдан бош мия олий фаолияти тўғрисида кишилар онгида инкор этиб бўлмайдиган қўйидаги тушунчалар ўрнашиб қолган. Қулоқ — эшитади, кўз — кўради, оғиз — таъмни сезади, бурун — ҳид билади каби тушунчалар бир қарашда инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатга ўхшайди. Ваҳолонки, кўз ўзи кўрмайди, қулоқ эшитмайди, оғиз таъм билмайди, бурун ҳидни ажратолмайди. Бу сезгилар фақатгина бош мия орқали рўй беради. Чунончи, кўзимиз, қулоғимиз қанчалик соғлом бўлмасин, агар бош миядаги кўриш, эшитиш марказлари жароҳатланган бўлса, инсоннинг кўзи ожиз, қулоғи эса кар бўлур эди. Ҳеч қандай жарроҳлик усуллари бундай кўзни ҳам, қулоқни ҳам оча олмайди.

Табиат инсонга шундай бир бебаҳо неъмат инъом қилганки, бу бизнинг нутқимиздир. Нутқ жараёни жуда мураккаб бўлиб, у ўз ичига нутқнинг бир неча турларини қамраб олади. Булар автоматик нутқ, суҳбат нутқи, сенсор нутқ, мантиқий грамматиқ нутқ ва ҳоказолардир.

Сирли дунё

Шу ерда яна бир муаммо бор. Одатда гапириш жараёни тил билан бошқарилади, дейилади. «Тили ўткир», «тили равон», «тили аччиқ», «тили ширин» деган ўхшатишлар бор. Тилнинг фикрни сўз билан изҳор қилишда иштироки бор, албатта. Лекин «ўткир тил», «аччиқ тил», «ширин тил»нинг тилга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Тилнинг «аччиғи» ҳам, «ширини» ҳам, «равони» ҳам мия ҳосилотидир.

Бош мия айрим қисмларида шундай нутқ марказлари мавжудки, бири гапиришни вужудга келтирса, иккинчиси гапнинг мазмунини тушунишни таъминлайди. Ҳар бир шахснинг ўзига хос чеҳраси бўлгандай, ҳар бир одамнинг ўзига хос тили бордирки, бу унинг нутқ моҳияти, ўша шахснинг зоти, одоб ва ахлоқи, билими, маданияти ва бошқа инсоний фазилатларига боғлиқ бўлади.

Шу хил нутқларнинг ҳаммасини тил эмас, бош мияда жойлашган нутқ марказлари ижро этади. Агар бош миядаги нутқ марказлари жароҳатланган бўлса, тилимиз лол қолади ёки ҳар қандай сўзни она тилими, чет тилими, тушуниш қобилияти йўқолади.

Ҳаммага маълумки, жозибали мусиқа ёки ашула юрагимизни тўлқинлантиради, ҳаяжонга солади, ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Агар бош миянинг тепа қисмидаги мусиқани мушоҳада қиладиган кичкинагина митти марказ зарарланган бўлса-чи, жозибали мусиқанинг оддий шовқиндан фарқи қолмайди. Бундай одам табиатнинг бундай улуғ эҳсонидан маҳрум бўлади.

Бир томондан қараганда, бош мия тўғрисида кўп нарса билгандаймиз, Аслини олганда эса бу мўъжиза шунчалик сирли ва мураккабки, ҳозирги замон илм-фан тараққиёти ҳам буни тушунтириб бериши анча мушкул. Хотира ўта сезувчанлик, даҳолик сирлари ва шунга ўхшаган юзлаб ҳодисаларнинг маркази қаердалигини, уларнинг қай тарзда ишлашини билмаймиз. Қаерда илм фан чегарасию, қаерда илоҳий қудрат?!

Морфологлар, физиологлар, биохимиклар бош мияни «қора қути»га ўхшатишади. Уларнинг фикрича, «қора қути» ўзига тушган ахборотларни таҳлил қилишга қодир. Лекин бу жараён қай йўсинда боришини аниқ билмаймиз.

Бу муаммоларни ҳал қилишда олимларимизга ҳар битта нерв ҳужайрасининг қўзғалишини сезувчи ва рўйхатга олувчи сезгир электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамга келиб, сирли «қора қути»нинг сирларини очмоқда.

Олимларимизнинг илмий изланишлари давом этмоқда. Ҳеч иккиланмасдан шуни айтиш мумкин, яқин йиллар ичида бош мия ва марказий асаб системасининг ҳужайралар сигнализацияси ва турли номаълум механизмларининг фаолияти тўғрисида янги маълумотлар оламиз. Айниқса бош мия тўғрисида катта аҳамиятга молик бўлган фан ихтироси XXI асрнинг бошларида кутилмоқда. Шунинг учун асримиз фанининг 1990—2000 йиллари Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг таклифига кўра дунё бўйича бош мия 10 йиллиги деб аталган.

Суд ҳукмидан сўнг

ГАР ҚАДАМ ҚЎЙСА ҚАБОҲАТ...

Кунботарга бориб қишлоқ четидаги қабристонда бир йўла тўртта қабр дўппайди. Жанозага келганларнинг аксарияти кўз-кулоқларига ишонишмас, наҳотки муштдеккина йигит биродаркуш бўлса, дея ўз-ўзларига савол беришар, даҳшатга тушишарди. Улар ака-уканинг ўртасида адоват ўти ёнганлигидан мутлақо бехабар эдилар...

Аслида бу хонадонда тўйга тайёргарлик кўрилаётганди. Асқарнинг қувончи чексиз, яна ўн кундан сўнг севгани Шаҳноза билан бахт тўйлари бўлади. Ҳа, висолга не етсин. Шаҳноза билан дилига тугиб қўйган орзу-ниятлари кўп: мустақил яшаш, ака-янганинг писанда гапларидан холи бўлиш, фарзанд кўриш, э-ҳе, айтаверса—поёни йўқдай...

15 февралда Ғиждувон туманидаги «Оқолтин» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Бештуво қишлоғи халқининг тинчи бузилди. Ҳаммаёқда милиция ходимлари, қидирув, суриштириш, ҳар хил гап-сўзлар.

— Биласизми, Юнуснинг хотини ва икки ғудагини кимдир ўлдириб кетибди, изи йўқмиш.

— Тижорат билан шуғулланишарди бечоралар, ғаними лари бордир-да?

— Қиморга бой берган бўлса ажабмас!

— Ота-онасида қасди бор экан, болаларида нима айб эди?

Қилни қирқ ёрадиган қонун ҳимоячилари бандай гумонларга тез орада жавоб топдилар: қотил Асқар Ризаев — марҳумларнинг бир қоридан тушган укалари! Қандай даҳшат бу?! Асқарни қотилликка нима даъват этди? Нега ўз акаси, янгаси, жиянларини рахмсизларча азоблаб, чавақлаб ўлдирди?

—Ота-онам вафотидан сўнг улардан қолган ҳовлида акам Юнус Ризаев оиласи билан яшардим, — деди судда Асқар. — Лекин акам ҳам, янгам Матлуба Элова ҳам мени ёқтиришмасди. Баданимда оқ доғлар борлигини билиб, мени жуда камситишарди, баъзан овқат беришмасди. Аммо чидадим. Лекин сувимиз тинмади. Охири катта акам Суннатиллоникига кетиб қолдим. Алам қиларкан сени мудом камситишса, бунинг устига Шаҳнозага унаштириб қўйишган. У бу гапларни эшитса-чи? Охири уларни ўлдиришга қасд қилдим.

Эндигина ўн тўққизга қадам қўйган Асқар Ризаев атрофида маслаҳат берадиган, уни юпатадиганлар камлиги, ота-онасининг эрта кетганлиги ҳам унинг қалтис қарорга келганлигига сабаб бўлган бўлса ажабмас. Бунинг устига ҳеч қаерда ишламаган, нашавандликка мойил бўлган. Булар кўнглидаги адоватнинг гуркираб ўсишига олиб келган.

— 12 февралдан 13 февралга ўтар кечаси наша чекиб, хонамда ётдим, — дейди у ўз айбини бўйнига олиб, — Юнус акам ва Матлуба янгамнинг камситишлари хаёлимни сира тинчитмади. Тун ярмидан ўтганда Юнус акамнинг ҳовлиси томон юрдим. Гараж томидан ошиб ҳовлига тушдим. Кўзим ҳовлидаги кетмонга тушди...

Дилидаги қасос унинг жиловини тизгинсиз, адоват эса ўта раҳмсиз ҳайвонга айлантириб қўйганди. Асқар кўлида кетмон билан акаси ухлаб ётган хонага киради. Қараса ҳаммаси шу хонада. «Айни муддао, қани бошла, қўрқма!» кимдир унга шундай даъват қиларди тез-тез. Зарб билан бошига урилган нарсадан уйғонган Юнус гандираклай ҳам олмади, яна устма-уст зарба тушди, ҳолдан кетди. Тўпалондан Матлуба уйғонди. У ҳам кетмоннинг бир неча зарбидан қонга беланди... Диван устида эса беш яшар Санжар, турт яшар Жонибек қотиб туришарди... Улар ота - оналарининг инграши, қип-қизил қонга беланиб ётганлигини кўриб, юраклари ёрилгудек дир-дир қалтирашар, раҳм қилинг, ўлдирманг уларни, амакижон, дегандек зорланган чеҳралари докадек оқарганди. Аммо, аммо кўзи қонга тўлган амакининг юраги аллақачон тошга айланганди, кўзига мурғак жиянлари ҳам кўринмасди.

— Мана сенларга, мана, мана!!!

Асқар телевизор устидаги пичоқни олиб акаси, янгасига бир неча бор урди. Юзига иссиқ қон сачради, сесканди, юзини енги учи билан артди. Оёқ остида дастаси синган кетмон, қўлида эса шилимшиқ қонга беланган пичоқ.

— Ана энди камситмайсизлар, ҳовли ҳам меники бўлади.

Асқар тантанавор оҳангда гапирганини сезмасди ҳам. Шу пайт кўзи жиянларига тушди: «кўриб туришибди, бир кунмас-бир кун улар бошимга етишади. Иккаласини ҳам гумдон қилмасам бўлмайди». У ғудакларга ҳам пичоқ санчди... Хонада ҳамма «тинчиди», ташқарига чиқди. Дастаси синган кетмонни ариққа улоқтирди, пичоқни ҳовли рўпарасидаги қабристонга иргитди. Сўнг Суннатилло акасиникига бориб ухлади. Орадан уч кун ўтгач эса қўлига кишан солинди унинг...

Биродаркуш Асқар Атоевич Ризаев жиноий ишини Ғиждувон туман суди биносида вилоят суди раисининг ўринбосари Э.Қудратов батафсил кўриб чиқди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган А.Ризаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми «а, в, ж, о» бандлари билан айбли деб топилди ҳамда унга энг олий жазо (фавқулодда) — ўлим жазоси тайинланди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: қотиллик содир бўлмаслиги мумкинмиди? Инсоф билан айтиш мумкинки, ҳа! Бунга асос ҳам бор. Бу оиладаги муҳит ака-укаларга маълум эди. Масалани,. адоватни холисанилло ҳал этиш мумкин эди. Ҳаётда икир-чикир нарсанинг ўзи йўқ. Уни қишлоқдошлар, Улфатбиби қишлоқ фуқаролар йиғинидагилар тўғри англаб етолмадилар. Меҳнатга ярокли йигит тақдири билан на оғаинилар, на йиғиндагилар астойдил шуғулландилар.

Оила — Ватанимизнинг бир бўлаги. Унда тарбия бош мезон. Тарбия занжири бўшаддими, тамом, халқалар ҳар қандай турткига бардош беролмайди. Шундай экан, оилаларга эътибор ҳамиша зарур. Токи, бундай қабоҳат юз бермасин. Шоир айтгандек, гар қадам қўйса қабоҳат, йиғлагай остона ҳам.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзсувқурилиш» давлат концерни кенгаш ҳайъати ва меҳнат жамоаси Иқтисод-режалаштириш бошқармаси бошлиги Б. Тўрабековга падари бузруквори **Тўрабек АКМУРЗАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20. 30.

123456.